БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 275 (19.651). • 1986 йил 6 декабрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 4 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити якунларини кўриб чиқиб, тўла-тўкис маъқуллади.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонни Ҳиндистон халқи ва ҳукумати ниҳоятда самимий кутиб олганлиги қайд этиб ўтилди. Бош министр Ражив Ганди билан олиб борилган музокаралар чоғида ҳозирги замоннинг энг катта проблемалари, ядро уруши хавфини бартараф этиш, ҳар томонлама Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини такомиллаштириш ишида икки буюк тинчликсевар давлатнинг баҳамжиҳат ҳаракати масалалари чуқур анализ қилинди. Ҳар иккала мамлакат 1971 йилги Совет — Ҳиндистон шартномасига содиқ эканлиги тасдиқланди. Шу шартномани изчиллик билан амалга ошириш турли ижтимоий тузумдаги икки давлатнинг тинч-тотув яшаши, уларнинг ўзлари учун ва умуман халқаро муносабатлар учун эзгу аҳамиятга эга эканлигини ишонарли тарзда намоён этмоқда. Деҳлида олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон учрашуви асосий халқаро масалалар юзасидан иккала мамлакатнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор кўрсатди. Бу учрашув Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳамкорлигини икки томонлама ишларда ҳам, шунингдек халқаро ишларда ҳам сифат жиҳатдан янги марраларга олиб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда).



Тошкент. 1986 йил 5 декабрь. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси.

В. МОЛГАЧЕВ ва Л. ГУСЕЙНОВ фотоси.

## КПСС Марказий Комитетида учрашув

3 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев иттифоқдош республикалар саҳна санъати етакчи усталари бир группаси, театр ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Янги шароитларда театр иши, театр союзини ташкил этиш, барча ижодий ташкилотлар фаолиятини янада активлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

М. С. Горбачев партия XXVII съезди ўртага қўйган мамлакатимизни ҳозирги даврда ривожлантириш вазифаларига тўхталиб, қайта қуришнинг мазмуни ҳар бир киши ва умуман бутун жамият имкониятини рўёбга чиқаришдан иборат, деди. Гап ишнинг ташқи томони, уни «пардозлаш» тўғрисида эмас, балки революцион ўзгартишлар ҳақида бормоқда. Биз инсон тўла куч билан ҳаракат қилиши, социалистик тарзда ҳаракат қилиши учун иқтисодий, сиёсий, идеологик, маънавий заминларни вужудга келтириш тўғрисидаги ленинча фикрни рўёбга чиқариш учун барча ишларни қилишимиз керак. Дейиш мумкинки, биз ҳозирнинг ўзидаёқ ер ҳайдаб, уни юмшатиб, уруғ сепа бошладик. Сўнгра ана шу уруғ униб чиқиб, ҳосил беради. Бу, албатта, вақт ва куч-ғайрат талаб қилади. Бироқ бу иш шунчалик зарур, шунчалик олижаноб ишки, унда қатнашаётган ҳар бир киши ўзини ҳаётда омади келган, деб ҳисоблаши мумкин.

Совет жамиятида яшаб турган ҳар бир кишида барча энг яхши фазилатларни рўёбга чиқариш — бу жуда катта инсонпарварлик иши, социализмнинг вазифаси ана шунда, деди сўнгра М. С. Горбачев. Бу борада адабиёт, санъат, ижодкор зиёлиларимизнинг меҳнати жуда катта роль ўйнайди. Биз зиёлиларнинг жиддий мададидан баҳраманд бўлаяпмиз ва маънавий янгиланиш учун, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш учун кураш бораётган ҳозирги пайтда улардан умидимиз каттадир.

Социалистик принциплар тўла тантана қилиши учун мамлакатда бутун турмушни бундан буён ҳам демократлаштириш, бу жараёнга бутун халқни жалб этиш зарур, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Бироқ бунда демократия бу ҳамма нарсага эрк бериш эмас, балки халқнинг ўзини-ўзи бошқариши эканлигини унутмаслик керак. Бизда демократлаштириш мамлакатни мустаҳкамлаш, унга жўшқинлик бахш этиш учун, сиёсатда ва амалий фаолиятда нуқсонларга йўл қўймаслик учун зарурдир. Демократияни дадил авж олдириш керак. Демократия ошкоралик билан баб-баравар бўлиб, у ҳам ленинча принципдир.

Қайта қуриш ҳозирги пайтда театрни ҳам қамраб олди. Театр қандай бўлиши керак, уни қай тариқа такомиллаштириш лозимлиги тўғрисида мунозаралар бормоқда. Ҳамма нарсанинг бирданига уддасидан чиқиб бўлмайди, синаб кўриш, текшириш лозим. Сизларнинг театр союзингиз тузилганлиги ана шу жараённинг нишоналаридан биридир. Бу ташкилот жамоатчилик асосида кўп нарсаларни ўз зиммасига олиши, давлат маданият органлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш механизмини ишлаб чиқиши керак.

Ўйлайманки, ҳозир изланишлар учун яхши пайтдир, деб давом этди М. С. Горбачев. Ҳамма соҳада амалий ечимларни излаб топиш керак. Аммо шуни айтишим керакки, умумий ғамхўрлик ва ташвиш билан йўғрилган танқид аслида бунёдкорликдир. Бир хиллик, қолоқлик, бепарволик, «кўрсатмаларга биноан» ишлаш одати — бу биз учун хатарли душмандир. Фикрлашни қайта қуриш энг асосий қийинчилик. Бу иш ҳамиша ва ҳамма жойда осон кетяпти, деб бўлмайди. Аммо кенг кўламда, дадил ва изчил ҳаракат қилиб, ҳар бир кишини жамиятимизни ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга жалб қилиш керак.

М. С. Горбачев сўнгра партия бундан буён ҳам актив социал сиёсат ўтказиб, маънавий соҳадаги иш формалари ва методларини янгилашга кўмаклашиш ниятида эканлигини айтди. Ижодий ташкилотлар фаолиятининг якунларига турмушимизда содир бўлаётган реал жараёнлар очиб берилган истеъдод билан яратилган янги асарларга қараб баҳо бериш зарур. М. С. Горбачевнинг нутқида КПСС ва Совет давлатининг халқаро фаолияти масалаларига катта ўрин берилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, СССР Театр жамиятлари союзи ташкилот комитетининг раиси К. Ю. Лавров, М. А. Ульянов, Н. Н. Еременко, О. М. Мамбетов, Б. Р. Қориева, О. Н. Ефремов, Г. А. Товстоногов, В. А. Андреев сўзга чиқдилар. Улар ҳозирги шароитда совет санъатининг аҳамияти ўсиб бораётганлиги тўғрисида, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида, мамлакат маънавий бойлигини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун ҳар бир санъаткорнинг юксак гражданлик масъулияти тўғрисида гапирдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири Ю. П. Воронов қатнашдилар.

(ТАСС).

## Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

5 декабрь куни Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар **И. Б. Усмонхўжаев, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин**, Олий Совет Президиумининг, республика ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **П. Хабибуллаев** очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар М. Е. Красильников, А. Тиллабоев, Н. А. Козимов хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Қ. Жўраеванинг** Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессиясидан кейин ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш ҳақидаги докладини тинглади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети: Тошкент шаҳар 13-Пушкин сайлов округидан сайланган депутат **Н. И. Емельянов**; Тошкент шаҳар 58-Дўмбробод сайлов округидан сайланган депутат **Б. В. Ефремов**; Тошкент область 61-Қурилиш сайлов округидан сайланган депутат **А. Абдувосиқов**; Тошкент область 68-Пролетар сайлов округидан сайланган депутат **П. С. Мақсудов**; Тошкент область 75-Оққўрғон сайлов округидан сайланган депутат **Х. Холбоев**; Тошкент область 88-Солдатск сайлов округидан сайланган депутат **К. Х. Холмирзаев**; Тошкент область 94-Янгибозор сайлов округидан сайланган депутат **Г. А. Стефановский**; Тошкент область 106-Тўйтепа сайлов округидан сайланган депутат **Т. К. Ўролова**; Тошкент область 111-Олмазор сайлов округидан сайланган депутат **В. Г. Гришчук**; Андижон область 137-Пойтуғ сайлов округидан сайланган депутат **А. Г. Руденко**; Бухоро область 180-Улфатбиби сайлов округидан сайланган депутат **Х. Жумаева**; Жиззах область 201-Зомин сайлов округидан сайланган депутат **Ҳ. Алимова**; Навоий область 246-Саноат сайлов округидан сайланган депутат **И. К. Бўриев**; Навоий область 253-Навбаҳор сайлов округидан сайланган депутат **В. В. Судаpенков**; Навоий область 262-Учқудуқ сайлов округидан сайланган депутат **Н. И. Кучерский**; Самарқанд область 306-Карл Маркс сайлов округидан сайланган депутат **В. М. Камолов**; Самарқанд область 309-Завод сайлов округидан сайланган депутат **Х. Н. Тожиев**; Самарқанд область 327-Каттақўрғон қишлоқ сайлов округидан сайланган депутат **Ў. Р. Умарбеков**; Самарқанд область 340-Чархин сайлов округидан сайланган депутат **Н. Ш. Жуманов**; Самарқанд область 344-Тойлоқ сайлов округидан сайланган депутат **Ш. Х. Намозова**; Самарқанд область 350-Жом сайлов округидан сайланган депутат **В. Ю. Зорин**; Сурхондарё область 358-Оққўрғон сайлов округидан сайланган депутат **З. А. Ботиров**; Сирдарё область 390-Крестьянск сайлов округидан сайланган депутат **Д. А. Мелибоева**; Сирдарё область 393-Ленинград сайлов округидан сайланган депутат **Қ. Сиддоров**; Хоразм область 467-Юқорибоғ сайлов округидан сайланган депутат **У. Худойберганова**; Қорақалпоғистон АССР 487-Беруний сайлов округидан сайланган депутат **Й. И. Маматисаев**; Қорақалпоғистон АССР 504-Хўжайли сайлов округидан сайланган депутат **Ж. Давлетов**ларнинг ваколатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида.
3. Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида.
4. «Меҳнат коллективлари ва корхоналарни, муассасаларни, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни Ўзбекистон ССРда қандай бажарилаётганлиги ҳақида.
5. Умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишлари муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг халқ маорифи тўғрисидаги Қонунига ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
6. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг составига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.
7. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сўнгра депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишга ўтдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** сўзга чиқди. У О. У. Салимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этишни илтимос қилиб, ариза берганлигини маълум қилди.

Олий Совет О. У. Салимовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри бўлиб ишлаётган депутат **Р. Н. Нишонов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлашни таклиф қилди.

Олий Совет депутат **Р. Н. Нишонов**ни бир овоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлади. Р. Н. Нишоновни Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри вазифасидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тошкентда бўлган вақтида республика меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш масалаларига батафсил тўхталди.

Олий Совет кун тартибидаги иккинчи ва учинчи масалаларни муҳокама қилишга киришди.

«Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **И. А. Каримов** доклад қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» Ўзбекистон ССР молия министри депутат **Й. И. Маматисаев** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Ш. Ҳожимуротов** План-бюджет ва бошқа доимий комиссиялар номидан план ва бюджет тўғрисидаги масалалар юзасидан қўшимча доклад қилди.

Шундан кейин Олий Совет докладларни ва қўшимча докладни муҳокама қилишга ўтди. Музокараларда **Ш. Р. Мирсаидов** (15-Луначарский сайлов округи), **Г. П. Стешенко** (371-Шўрчи сайлов округи), **П. Нўъмонов** (208-Темир йўл сайлов округи), **О. Г. Айдаков** (78-Телов сайлов округи), **Л. А. Васильева** (305-Акмал Икромов сайлов округи), **Б. А. Алламуродов** (352-Қуйиқишлоқ сайлов округи), **Р. Н. Валиева** (258-Бўстон сайлов округи), **Ў. К. Исмоилов** (459-Урганч сайлов округи), **А. И. Балакин** (507-Чимбой шаҳар сайлов округи), **Ж. Ҳасанов** (157-Булоқбоши сайлов округи), **Э. Турсунов** (216-Оқтош сайлов округи), **С. А. Иброҳимов** (229-Муборак сайлов округи), **И. И. Лутфуллаев** (191-Жданов сайлов округи), **М. Т. Ҳотамова** (290-Жийдакапа сайлов округи),

(Давоми иккинчи бетда).

## ТЕАТР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

5 декабрь куни Москвада, Катта Кремль саройида СССР Театр жамиятлари союзининг таъсис съезди очилди.

М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талызин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов ўртоқларни делегатлар ва меҳмонлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда театр санъатининг таниқли арбоблари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг намояндалари ҳам бор эдилар. Чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

«Революцион ўзгартишлар даврида театр ва жамият» мавзуида СССР Театр жамиятлари союзи ташкилот комитетининг раиси СССР халқ артисти К. Ю. Лавров доклад қилди. Съезд қувончли ва файзли даврда, халқ ташаббуси жонланаётган пайтда, кўпдан-кўп амалий қарорлар қабул этилаётган пайтда ўтмоқда, деб уқтирди у. Партия бутун халқни ҳамма соҳаларда ўз тарихий тараққиётининг янги поғонасига кўтарилишга даъват этди, театрни эса турли ижтимоий структураларнинг пишиқ-пухталиги синаб кўриладиган, замондошимизнинг маънавий хислатлари ўрганиладиган, замондошимизга ўтмишга ҳурмат билан қараш туйғуси сингдириладиган ва келажакка назар ташлаш имконияти бериладиган ўзига хос бир лаборатория, дейиш мумкин.

Музокараларда сўзга чиққан кишилар миллий театр маданиятларимиз нақадар кўп қиррали ва хилма-хил бўлмасин, мамлакатнинг умумий шитобли ривожланишидан четда қола олмайдиган театрнинг энг муҳим муаммоларини Умумиттифоқ миқёсида, биргаликда ҳал этиш зарурлиги равшан кўриниб турганлигини таъкидладилар.

Съезд 6 декабрда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 4 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Республика давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар, План-бюджет ҳамда бошқа доимий комиссиялар 1987 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш Давлат планини, 1986 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетини ва 1985 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тартибда кўриб чиқиш якунлари муҳокама этилиб маъқулланди. Ушбу масалаларни сессиянинг муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг ер тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контроллик соҳасидаги иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республикада қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги тадбирлар амалга оширилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

1986 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети партия группасининг мажлиси бўлди. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети тўртинчи сессияси муҳокамасига киритиладиган масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Саноат комиссиясининг раиси КПСС аъзоси ўртоқ А. С. Воековнинг ҳисоботи тингланди. Партия группаси ўртоқ А. С. Воеков ҳамда у бошчилик қилаётган комиссия саноат корхоналарининг иқтисодий ва хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муайян ишларни бажараётганлигини таъкидлади. Комиссияга республика иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга таъсирини кучайтириш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети партия группасининг 1987 йил иш плани тасдиқланди.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Рафиқ Нишонович НИШОНОВ



1926 йилда туғилган, ўзбек, 1949 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент педагогика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини битирган, тарих фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхозида ҳисобчилик қилишдан бошлаган, сўнгра комсомол ишига кўтарилган — Бўстонлиқ район комсомол комитетининг иккинчи секретари этиб сайланган, Совет Армияси сафида хизмат қилган. 1951 йилдан 1970 йилгача совет ва партия ишларида: Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг инструктори, бўлим мудири, биринчи секретари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. Р. Н. Нишонов 1963 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланди, 1970 йилдан дипломатия ишида бўлди. 1985 йил март ойидан Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри бўлиб ишлади.

Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир.

Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва СССР медаллари билан мукофотланган.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

### ДЕПУТАТ Р. Н. НИШОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Депутат Рафиқ Нишонович Нишонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1986 йил 5 декабрь.

## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1987 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

## *Ўзбекистон ССР молия министри депутат Й. И. МАМАТИСАЕВ доклади*

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси томонидан маъқулланган Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетини сизларнинг муҳокамангиз ва тасдиғингизга ҳавола этади.

Ҳозир совет экономикаси ўз афзалликлари ва бунёдкорлик имкониятларини бутун дунёга намойиш қилиб, коммунистик қурилишнинг асосий соҳаларида дадил олға силжимоқда.

Бу йил Коммунистик партия билан Совет давлати учун, бутун совет халқи учун тарихий аҳамиятга молик воқеа рўй берди — КПСС XXVII съезди ҳозирги босқичда жамиятни жадал ривожлантиришнинг туб масалаларини чуқур ва атрофлича кўриб чиқди. Режалар энергияси амалий ҳаракатлар энергиясида мужассамлашмоқда. Бизнинг республикамизда ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари муттасил оша бошлади. Саноат барқарор суръатлар билан ривожлана бошлаганини ўн бир ойлик якунлари кўрсатиб турибди. Машинасозлик, кўмир, газ саноати ва бошқа саноат тармоқлари иш суръатларини кучайтирмоқда. Экономиканинг аграр секторида ҳам ижобий силжишлар рўй берди.

Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналиши кучайтирилди. Озиқ-овқат товарлари, халқ истеъмоли моллари, маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш планлари бажарилди, бу эса аҳолининг шу молларга ўсиб бораётган талабларини тўлароқ таъминлаш имконини берди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди, аҳолига ҳақ олиб хизмат кўрсатиш системаси тартибга солинмоқда, уй-жой ва социал-маданий қурилиш миқёслари кенгаймоқда.

Республика аҳолисининг фаровонлик даражаси ошди.

Республика экономикасини юксалтириш соҳасида эришилган даража Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини бажариш учун пухта асос яратади.

Шу йилнинг ўтган даврида пландан ташқари давлат даромадларининг тушумлари 190 миллион сўмдан ошди.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, областлар ва Тошкент шаҳрининг бюджетлари ҳам бажарилмоқда, бу эса план топшириқларини ҳамда республика Давлат планида ва бюджетида кўзда тутилган тадбирларни пул билан узлуксиз ва барқарор таъминлаб туриш имконини берди.

План-бюджет комиссиясининг тавсияларига биноан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва бюджет даромадларини кўпайтиришнинг қўшимча резервлари ва манбаларини қидириб топиш, ажратиладиган ресурслардан аниқ мақсад йўлида, тежаб-тергаб фойдаланиш, давлат, план ва молия интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигидаги бошқарув аппаратини такомиллаштириш ва арзонлаштириш юзасидан конкрет чора-тадбирлар кўрилди.

Бюджетни ижро этиш давомида 335 миллион сўмликдан кўпроқ ички хўжалик резервлари қўшимча равишда сафарбар қилинди. Бу маблағлар халқ хўжалиги бир қанча тармоқларидаги корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга, социал-маданий муассасаларнинг моддий-молиявий базасини янада мустаҳкамлашга сарфланди.

Партия бизнинг ютуқларимизни муносиб баҳолаш билан бирга халқ хўжалигида ҳали тўла-тўкис фойдаланилмай ётган резервлар ва имкониятларни реал равишда баҳолаб, камчиликларимизни ҳам кўриб турибди. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида бу ҳақда зўр принципиаллик ва ленинча талабчанлик билан гапирилди.

1986 йилги Давлат бюджетининг ижроси шуни яққол кўрсатиб турибдики, баъзи министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари оборотдан ва фойдадан олинадиган солиқ планлари ва бюджетга тўловларни бажариш учун мавжуд резервларни тўла-тўкис сафарбар қилмадилар.

Давлат агросаноат комитети (ўртоқ Антонов), Савдо министрлиги (ўртоқ Ҳасанов), Госкомнефтепродукт (ўртоқ Ҳамидов) сингари министрликлар ва идоралар оборот солиғи юзасидан бюджет олдида қарздор бўлиб қолдилар.

Шу йилнинг ўтган даврида оборот солиғидан бюджет тушумлари плани умуман республика бўйича бажарилмай қолди. Бу ўринда вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш камайганлиги муайян даражада ўз ифодасини топди. Лекин бу — асосий сабаб эмас. Гап шундаки, ҳамма жойда ҳам олинмай қолаётган даромадларнинг ўрнини қоплаш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига зарур истеъмол молларини кўпроқ ишлаб чиқариш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўрилмади.

Бунинг ўрнига ҳар тўрт бирлашма ва корхонанинг бири халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини бажармаётган корхоналар орасида Тошкент заргарлик заводи (директори ўртоқ Филинов), Тошкент тўқимачилик комбинати (директори ўртоқ Эргашев) бор. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини бажармади.

Афсуски, бирлашмалар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг айрим раҳбарлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига муносиб даражада эътибор бермаяптилар. Натижада, маҳсулот таннархини камайтириш, рентабелликни ва фойдани ошириш топшириқлари бажарилмай қолмоқда.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги (министри ўртоқ Исаев) корхоналарининг 32 проценти, Маҳаллий саноат министрлиги (ўртоқ Исмоилов) корхоналарининг 20 проценти, шунингдек, Дон маҳсулотлари министрлиги (ўртоқ Қўйбоқаров) ва Главташкентстрой (ўртоқ Дудин) корхоналари товар маҳсулоти таннархи соҳасида ортиқча харажатга йўл қўйдилар.

Самарқанд областида (область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошев), Фарғона областида (ўртоқ Мажитов), Жиззах областида (ўртоқ Ҳабибуллаев) ва бошқа областларда маҳсулот таннархи юзасидан белгиланган планни бажармаган саноат корхоналарининг салмоғи, айниқса, катта.

Мана шуларнинг ҳаммаси кўпгина раҳбарлар, хўжалик ходимлари молия ишларини ҳали ҳам иккинчи даражали соҳа, деб ҳисоблаб келаётганларининг, чиқимлар билан ҳисоблашмай, планни қандай қилиб бўлмасин бажаришга интилишнинг натижасидир.

Хўжасизлик, унумсиз харажатлар, турли-туман нобудгарчиликлар ва зарар кўришлар республика экономикасига ҳали ҳам катта зиён етказмоқда. Бугунги кунгача бўлган ҳисобот маълумотларига қараганда, умуман республика хўжалигидаги унумсиз харажатлар 210 миллион сўмликдан ошиб кетди, шундан Давлат агросаноат комитетидаги унумсиз харажатлар 78 миллион сўмга, Енгил саноат министрлигида 41 миллион сўмга, Саноат паррандачилиги давлат комитетида қарийб 28 миллион сўмга етди ва ҳоказо. Шу йилнинг ўтган даврида 130 миллион сўмга яқин ҳар хил жарималар тўланди.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида жамиятимиз ҳар қандай кўринишдаги хўжасизликдан пухта равишда гарантияланиши кераклиги таъкидланди. Бунинг учун министрликларда, идораларда, республиканинг ҳар бир бирлашмаси ва корхонасида ҳисоб-китоб ва контролни яхшилаш, иқтисодий тежашни кучайтириш, социалистик мулкни исроф қилишга, ўғирлашга қарши муросасиз курашни авж олдириш зарур. Мана шу чора-тадбирлар ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг ва пландаги фойдани олишнинг муҳим омилларидан биридир.

Бироқ шуни тан олиш керакки, умуман республикадаги ҳамма саноат корхоналарининг олтидан бир қисми планлаштирилган фойданинг қарийб ярмисини ололмади, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва Енгил саноат министрлиги системасида корхоналарнинг учдан бир қисми, Давлат агросаноат комитетида эса бешдан бир қисми пландаги фойдани олмади. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети 10 ой якунлари юзасидан шу йилнинг биринчи ярмида олинган пландан ташқари фойданинг 88 процентидан маҳрум бўлди.

Кўпгина хўжалик раҳбарлари экономика масалалари билан юзаки шуғулланмоқдалар, молиявий аҳволни ва ишдаги қайта қуришга халақит бераётган сабабларни танқидий таҳлил қилмаяптилар, ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлашга истеъмолчилик билан ёндашмоқдалар, ўз оборот маблағларини сақлаб қолиш ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар.

Аввало Қурилиш министрлиги (министр ўртоқ Маннинков), Саноат паррандачилиги давлат комитети (ўртоқ Пискунов), Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (ўртоқ Боймиров) шулар жумласига киради. Бу йил улар яна ўз оборот маблағларининг «ейилиб кетишига» йўл қўйдилар. Бунинг устига шу маблағларнинг планда кўзда тутилмаган ишларга оборотдан олиб сарфлаб юборилишига йўл қўйилмоқда. Умуман республикада шу йилнинг 9 ойи ичида 3 миллиард сўмга яқин оборот маблағи ёки барча оборот маблағларининг 81 проценти бошқа ишларга жалб қилинди. Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигида оборот маблағларининг ноўрин сарфланиши 70 процентни ташкил қилган бўлса, Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигида норматившинг 130 проценти ва Алоқа министрлигида нормативдан икки баравар кўп қисмини ташкил этди.

Министрликлар ва идоралар фойда олиш планларининг бажарилиши, ўз оборот маблағларининг сақлаб қолиниши учун, иқтисодий тежаш учун хўжалик ташкилотларининг раҳбарларидан қаттиқ жавоб талаб қилишлари керак. Молиявий интизомни қатъиян мустаҳкамламай туриб, халқ хўжалигида тартиб ўрнатиб бўлмайди, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Бу соҳада биз молия органлари, шу жумладан республика Молия министрлиги аппарати ходимларининг катта вазифаларини ҳам кўриб турибмиз.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджети республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги плани кўрсаткичларига тўла мувофиқ равишда тузилган ҳамда даромадлар ва харажатлар бўйича 8 миллиард 980 миллион 415 минг сўм миқдорида ёки 1986 йил учун тасдиқланган бюджет ҳажмидан 8,8 процент кўп қилиб белгиланди.

Бюджет даромад қисмининг 66 процентидан кўпроғини социалистик хўжаликдан олинадиган тушумлар ҳисобига таъминлаш планлаштирилмоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг оборот солиғидан келадиган тушумлари ҳамда фойдадан берадиган тўловлари бюджет ҳамма даромадларининг 53 процентидан кўпроқ қисмини ташкил этади. Шу билан бирга оборот солиғи тушумлари 1986 йилга нисбатан камаяди. Айни вақтда фойдадан бюджетга тўловлар ортади.

Халқ хўжалиги плани кўрсаткичларига мувофиқ фойдадан тўловлар агросаноат комплексига кирувчи министрликлар ва идоралар бўйича энг кўп миқдорда — 43,5 процент, саноат министрликлари бўйича 31,4 процент, қурилиш министрликлари ва идоралари бўйича 10,8 процент кўпаяди.

Бюджет лойиҳасида кўзда тутилган фойдадан тўловлар жами ҳажмининг 56 процентидан кўпроғи шу тармоқларнинг зиммасига тўғри келади, бу эса бюджетнинг даромад қисмини бажариш учун шу тармоқларнинг раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Аҳолидан олинадиган давлат солиқлари белгиланган иш ҳақи фондига ва амалдаги ставкаларга мувофиқ 1 миллиард 10,9 миллион сўм миқдорида ёки 5,7 процент кўп қилиб белгиланди ва бюджет ҳамма даромадларининг атиги 11 процентини ташкил этади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида Қонун қабул қилинганлиги муносабати билан республика Молия министрлиги ва молия органлари меҳнатсиз даромадларга қарши кураш соҳасида катта иш қилишлари керак.

Бюджетнинг харажатлари асосий соҳалар бўйича қуйидаги миқдорларда белгиланди:

**Халқ хўжалигини пул билан таъминлашга** бюджетда 4 миллиард 102 миллион 600 минг сўм ёки 1986 йилга нисбатан 9 процент кўп маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари шу ишга давлатнинг ўз маблағлари ва банк кредитларидан 4 миллиард 339 миллион 700 минг сўм сарфланади, бу эса республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планида кўзда тутилган ҳамма тадбирларни пул билан таъминлаш имконини беради.

Бюджет лойиҳасида **саноат эҳтиёжларига** 318 миллион 500 минг сўм маблағ ажратилади, бу маблағ асосан аҳолига керакли моллар ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи енгил, мебель ва ёғочсозлик саноатини ривожлантиришга ишлатилади. Ҳолбуки, бу тармоқларнинг раҳбарлари сарфланган маблағнинг самарадорлиги ҳақида кам ўйламоқдалар.

Ўтказилган улгуржи ярмаркаларда енгил ва маҳаллий саноат корхоналарининг ҳаммаси бўлиб 500 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулоти харид этилмай қолди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтилиши муносабати билан бу корхоналар маҳсулот турларини қисқа муддатда янгилаб олишлари, ўз молларининг сифатини яхшилаб, савдога тақдим этишлари зарур. Улар шу йилнинг охиригачаёқ бу масалаларни ҳал қилишлари керак.

**Агросаноат комплексини ривожлантиришга** 1 миллиард 901 миллион 600 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар 12,1 процент ортади.

Кам рентабелли ва зарар кўраётган колхозларга бюджетдан уй-жой қурилиши, маданий-маиший объектлар ва йўл қурилиши учун 60 миллион сўм маблағ, кам рентабелли ва зарар кўраётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлатга сотадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларига устама тўлаш учун эса 165 миллион сўм маблағ ажратиб бериш кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитети ўзининг 1982 йил май Пленумида қишлоқ экономикасини соғломлаштириш учун қатъий чора-тадбирлар белгилади. Пленум қарорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва реализация қилишни кўпайтириш мақсадида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини ошириш белгиланди. Шунингдек, кам рентабелли ва зарар кўраётган хўжаликлар учун бу нархларга устама жорий қилинди. Умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга сарфланган ҳар сўм тўла-тўкис самара бериши учун зарур бўлган ҳамма шароитлар яратилди.

Республиканинг бир қанча хўжаликлари ўзларига берилган ёрдамдан зўр самарадорлик билан фойдаландилар. Деярли ҳамма колхозлар зарар кўрмай ишламоқда.

Бироқ, афсуски, республика Давлат агросаноат комитетининг кўпгина совхозлари ҳали ҳам зарар кўрмоқда. Совхозларнинг ярмига яқини 1985 йилни зарар билан якунлади, уларнинг анчагина қисми ҳали ҳам кам рентабелли хўжаликлар бўлиб турибди.

Давлат берган молиявий ёрдамдан ҳамма хўжаликлар ҳам самарали фойдаланмаётганлиги кўриниб турибди. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби шундан иборатки, кўпгина хўжаликларда интенсив технологиялар фақат қоғозда жорий этилган, илм-фан ютуқларидан етарли равишда фойдаланилмаяпти, сермеҳнат ишларни механизациялаш суст олиб борилмоқда. Мана шуларнинг оқибатида суғориладиган ҳар гектар ернинг самарадорлиги паст, аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархи рекорд даражада ошиб бормоқда.

Ҳар бир бригада ва бўлимда моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан синчиклаб, қаттиқ контроллик ўрнатиш, меҳнат ҳақини ишнинг пировард натижаларига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш барча колхозлар ва совхозларнинг иши учун қонун бўлиб қолиши керак.

**Бюджетда капитал қурилишни пул билан таъминлашга муҳим ўрин берилган.** Бу ишга 3 миллиард 785 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда, шу маблағнинг 2 миллиард 163 миллион 500 минг сўми ёки ҳамма харажатларнинг 57,2 процентини бюджетдан ажратилади.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш, асосий фондларни тезроқ ишга туширишдан иқтисодий манфаатдорликни вужудга келтириш, қурилиш қийматини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини анча оширишга ва қурилиш ташкилотларининг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Ҳозир эса шуни айтишга тўғри келадики, ҳали ҳам қурилишда капитал маблағ планини тузиш пайтида кўпгина министрликлар ва идоралар маблағларни кўпдан-кўп объектларга сочиб юборишга йўл қўймоқдалар, бу эса ишга тушириладиган объектлар ва қурилишларни ўз вақтида битказиш давлат планларининг бажарилмай қолишига ва чала қурилишларнинг кўпайишига муайян даражада олиб бормоқда.

Асосий фондларни ишга тушириш планини бажариш капитал маблағлар ҳажмини ўзлаштиришдан доимо орқада қолиб келмоқда. Бу эса чала қолган қурилишларнинг 703 миллион 300 минг сўмлик миқдорда кўпайиб 3 миллиард 568 миллион сўмликка етишига олиб келди.

Қурилишдаги ҳисоб-китоб масалаларида катта камчиликлар бор. Республиканинг бир қанча буюртмачи министрликлари ва идоралари, область ижроия комитетлари бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъмин этмаяптилар.

Чунончи, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги (министри ўртоқ Сапаев) ўн биринчи беш йиллик мобайнида капитал қурилиш учун ўз взносларини тўла-тўкис топширмади ва ҳаммаси бўлиб нормативдан ортиқча 250 миллион сўмлик материал ва ускуналар запасларини қисқартириш ҳисобига ички ресурсларни сафарбар этмади. Айни вақтда пландан ташқари, пул билан таъминланмаган қурилишларга 210 миллион сўм сарф қилди. Натижада шу йилнинг бошларида пудратчилардан 179 миллион сўм қарздор бўлиб қолди.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг раҳбарлари бу йил ҳам молиявий интизомни бузмоқдалар, капитал қурилиш учун ўз маблағларини тўла-тўкис топширмаслик давом этмоқда (ҳозиргача 56 миллион сўм қарздор бўлиб қолинди), асбоб-ускуналар ва материалларни ишга солиш ўрнига уларнинг нормативдан ортиқча запаслари кўпайишига йўл қўйилмоқда, асосий фондларни ишга тушириш плани бажарилмаяпти.

Аввалги йилларда бўлганидек, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги яна республика ҳукуматига мурожаат қилиб, пудратчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун қўшимча маблағ ажратишни сўрамоқда. Энди бундай ишлаб бўлмайди. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг коллегияси бу ишларни хўжалик юритишга нисбатан қўйилаётган янги талаблар асосида узил-кесил ҳал қиладиган пайт келди.

Фарғона, Бухоро, Навоий областлари ижроия комитетлари капитал қурилиш бошқармалари фаолиятида жиддий молиявий камчиликлар мавжуд.

Қурилиш министрликлари ва идоралари, область ижроия комитетлари асосий фондларни ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойда олиш, қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, давлат ресурсларини тежаб-тергаб, мақсадга мувофиқ сарфлаш юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш учун ўз куч-ғайратларини сарфлашлари керак.

Қурилиш банки ва давлат банки муассасалари капитал қурилиш учун ажратилган маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан контролни кучайтиришлари, қурилишларда план ва молия интизомини бузиш ҳолларига қарши кураш олиб боришлари лозим.

**Уй-жой-коммунал хўжалигига, транспорт ва алоқага** бюджет лойиҳасида 627 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилади. Бу маблағлар мазкур тармоқларни республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани лойиҳасига мувофиқ янада ривожлантиришни пул билан тўла-тўкис таъминлайди.

Аҳолининг ошиб бораётган талабларини тўла-тўкис қондириш мақсадида партия билан давлатнинг савдо ва маиший хизматни янада ривожлантириш тўғрисидаги энг муҳим кўрсатмаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунинг учун бюджет лойиҳасида савдо ва маиший хизматни ривожлантиришга 46 миллион 200 минг сўм ажратиш белгиланган.

КПСС XXVII съезди ўн иккинчи беш йиллик учун кенг социал программани илгари сурди, бу программа инсон ҳақида чуқур ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. У совет кишилари турмушининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади, халқ фаровонлигини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаради.

1987 йилда **социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар** 4 миллиард 589 миллион 400 минг сўмга етади ёки 9,3 процент ўсади.

Республика бюджетида социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар бюджет барча харажатларининг 51,1 процентини ташкил қилади.

Бу маблағнинг 2 миллиард 623 миллион 400 минг сўми маорифга, 1 миллиард 6 миллион 700 минг сўми соғлиқни сақлаш ва физкультурага, 959 миллион 400 минг сўми социал-таъминотга сарфланади.

Мактаб ислоҳотини ўтказишга 1987 йилда қўшимча равишда 134,5 миллион сўм ажратилади. 1987 йилда барча мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта ўқув юртларининг педагог ҳамда раҳбар ходимлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига тўла-тўкис ўтказилади. 1987 йил 1 сентябрдан бошлаб мактабгача болалар муассасаларининг раҳбарлари ва тарбиячилари, мактабдан ташқари муассасалар ва болалар музика мактабларининг, методика кабинетларининг педагог ва раҳбар ходимлари иш ҳақи оширилади. Шу категориядаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш учун мактаб ислоҳоти харажатларидан 10 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш кўзда тутилади.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг айрим категориялари меҳнатига ҳақ тўлашни кўпайтириш, маданият муассасаларида ходимларнинг иш ҳақини оширишга киришиш учун зарур маблағ кўзда тутилади.

1987 йилги бюджетда энг кам миқдорда пенсия олувчи пенсионерлар учун дори-дармон сотиб олишга 15 миллион 700 минг сўм ажратиш кўзда тутилади. 1987 йилнинг 1 январидан бошлаб болаликдан инвалид бўлиб қолганларга бериладиган нафақа миқдори ошириладди ва улар учун дори-дармонларни бепул бериш жорий қилинади, бу ишларга 56 миллион сўмга яқин маблағ сарфлаш планлаштириб қўйилди.

Материал ва пул маблағларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш — ҳар бир муассаса ишини яхшилашнинг зарур шартидир.

Бироқ, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш системасининг айрим муассасаларида ҳисоб-китоб ва контроль иши ҳали ҳам муносиб даражада эмас, ғайри қонуний харажатларга, нобудгарчиликларга, баъзан эса социалистик мулкни ўғирлашга ҳам йўл қўйилмоқда.

Бу идоралар зарур тартиб ўрнатиш ва ҳар қандай салбий ҳодисаларга қарши курашиш учун самарали чора-тадбирлар кўришлари керак.

Бюджетда **бошқарув органларининг таъминот харажатлари** 83 миллион 500 минг сўмни ёки бюджет ҳамма харажатларининг атиги 0,9 процентини ташкил этди.

Депутат ўртоқлар!

1987 йилги бюджет лойиҳасида **Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрини янада илдам ривожлантириш кўзда тутилган.**

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрининг бюджети лойиҳалари Ўзбекистон ССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетига ҳаммаси бўлиб 3 миллиард 410 миллион 800 минг сўм миқдорида, яъни Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 1986 йил учун тасдиқланганига нисбатан 3,7 процент кўп қилиб киритилди. Республика Давлат бюджетининг умумий харажатларида маҳаллий бюджетларнинг харажатлари 38,0 процентни ташкил қилади, шу жумладан:

(миллион сўм)

| | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 325,9 |
| Андижон области | 269,7 |
| Бухоро области | 190,4 |
| Жиззах области | 120,2 |
| Қашқадарё области | 230,4 |
| Навоий области | 98,1 |
| Наманган области | 231,6 |
| Самарқанд области | 297,7 |
| Сурхондарё области | 197,1 |
| Сирдарё области | 118,2 |
| Тошкент области | 340,7 |
| Фарғона области | 324,1 |
| Хоразм области | 176,6 |
| Тошкент шаҳри | 490,1 |

Иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда иттифоқдош республикаларнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ролини янада ошириш юзасидан яқинда қабул қилинган қарорда ажратиб берилаётган молиявий маблағлардан маҳаллий шароитларни эътиборга олиб, энг самарали равишда фойдаланиш йўлларини белгилашда уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Бизнинг республикамизда 1987 йилдан бошлаб биринчи марта Иттифоқ қарамоғидаги бирлашма ва корхоналар реализация қилинган халқ истеъмоли молларидан олинган фойданинг бир қисмини маҳаллий бюджетларга ўтказадиган бўладилар.

Депутат ўртоқлар, 1985 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилади.

1985 йилги республика бюджети даромадлар бўйича 8 миллиард 444 миллион 836 минг сўм миқдорида ёки 102,1 процент ва харажатлар бўйича 8 миллиард 117 миллион 135 минг сўм миқдорида ёки 98,3 процент, даромадлар харажатлардан 327 миллион 701 минг сўм ортиқ қилиб бажарилган.

Депутат ўртоқлар! Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган 1987 йилдаги иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг, Давлат бюджетининг, молия ва кредит планларининг муваффақиятли бажарилиши халқ хўжалиги тармоқларида молиявий-иқтисодий ишлар даражасини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Партия XXVII съезди бу вазифани биринчи галдаги вазифалардан бири, деб белгилаб берди.

Республика министрликлари ва идоралари, ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналар молиявий-иқтисодий хизматларининг раҳбарлари тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини пул билан таъминлашга ўтиш, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар, аввало корхона миқёсидаги молиявий ишнинг йўлга қўйилишини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, уларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланишини ресурсларни ажратиш тўғрисидаги қатъий илтимосномаларда эмас, балки ҳақиқий пировард натижалар белгилаб беришини қатъий равишда тушуниб олишлари керак.

Барча поғоналардаги раҳбарларнинг молия ишларига муносабати ўзгариши керак. Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб молиявий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган план топшириқлари сўзсиз ва ҳамма жойда бажарилишини таъминлаш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш керак.

Молия органлари ва банк муассасаларининг ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилади. Улар хўжалик юритишнинг самарадорлиги учун курашнинг олдинги марраларида бўлишга даъват этилганлар.

Республика молия органлари ходимларининг коллективлари иқтисодий ишни тубдан яхшилаш, хўжалик механизмини такомиллаштириш ҳамда 1986 йилги ва планлаштирилаётган 1987 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетини сифатли бажариш юзасидан ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучлари, билимлари ва ташаббусларини ишга соладилар, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

## ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АДРДА БЎЛИШИ

КОБУЛ, 3 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов бошчилигидаги Ўрта Осиё республикалари партия ва совет ходимлари делегацияси 1986 йил 27 ноябридан 3 декабригача Афғонистон Демократик Республикасида бўлди.

Делегация Балх, Бадахшон, Жаузжон, Қундуз, Тахар, Фарёб вилоятларида бўлиб, ишлаб чиқариш коллективлари, қишлоқлар, мактабларда кўпдан-кўп учрашувларда қатнашди. Партия ва давлат органларининг вакиллари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, меҳнат коллективларида самимий, дўстона суҳбатлар бўлди.

Совет делегациясини АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб ва АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд қабул қилдилар. Самимий, қардошларча вазиятда ўтган суҳбатларда Совет Ўрта Осиёси республикаларининг АДРнинг ўнта чегарадош вилояти билан ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами, шу жумладан сиёсий, савдо-иқтисодий, социал ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами масалалари муҳокама қилинди. Афғонистон томони мамлакатда революцион ўзгаришларни амалга оширишда ана шу ҳамкорликнинг катта аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

Мамлакат бўйлаб сафарда делегацияга АХДП Марказий Комитети секретарлари Н. М. Моманд ва М. Х. Маъсуд, АДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Азиз ҳамроҳлик қилдилар.

Совет делегациясининг АДРда бўлиши Афғон-Совет дўстлигини ва иккала мамлакат халқлари ўртасидаги қардошликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Самарқанд область ўқитувчилар малакасини ошириш институти рус тили ва адабиёти кабинетининг мудири ўртоқ Маина Ивановна **Лисенкога** **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвони берди.

## ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ!

**Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 декабрга бўлган**

### МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Тошкент | 1,8 | 93,5 |
| Наманган | 2,8 | 92,1 |
| Фарғона | 2,8 | 81,6 |
| Навоий | 1,6 | 80,5 |
| Жиззах* | 0,9 | 79,6 |
| Самарқанд | 0,8 | 75,9 |
| Бухоро | 2,8 | 74,5 |
| Қашқадарё | 1,5 | 72,7 |
| Сирдарё | 2,3 | 70,2 |
| ҚҚАССР | 0,05 | 64,0 |
| Хоразм | 2,5 | 51,0 |
| Сурхондарё | 4,0 | 42,4 |
| Андижон | 3,1 | 42,3 |
| Республика бўйича: | 2,1 | 71,8 |

*) Маълумот аниқланган.

## ОБ-ҲАВО

**Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг хабарига кўра, бугун республикада ҳаво булутланиб туради. Шимолда ва Фарғона водийсининг баъзи жойларида бироз ёғингарчилик бўлади. Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди, жануби-ғарбдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Эрталаб енгил туман тушиши мумкин. Кечаси 0—2, кундузи 6—8 даража иссиқ бўлади. (ЎзТАГ).**

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 09159. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б.— 275. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12